

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВА МИЯССАР РАЖАПОВНА

**МИНТАҚА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ЭКОЛОГИК-
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**
(Хоразм вилояти мисолида)

08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Рахимова Мияссар Ражаповна

Минтақа рақобатбардошлигини оширишда экологик - иқтисодий
механизмларни такомиллаштириш (Хоразм вилояти мисолида) 3

Рахимова Мияссар Ражаповна

Совершенствование эколого-экономических механизмов повышения
конкурентоспособности региона (На примере Хорезмской области) 25

Raximova Miyassar Rajapovna

Improvement of ecological and economic mechanisms for increasing the
competitiveness of the region (On the example of the Khorezm region) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВА МИЯССАР РАЖАПОВНА

**МИНТАҚА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ЭКОЛОГИК-
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**
(Хоразм вилояти мисолида)

08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt1047 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетиди бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.urgdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рузметов Бахтияр,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кадиров Абдурашид Маждлович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Рузиев Ойбек Абдумунинович,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация химояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 03/28.08.2020.1.55.03 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил « 5 » *субарь* соат *10⁰⁰* даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 220200, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (998-62) 224-67-00; факс: (998-62)224-57-00; e-mail: info@urgdu.uz.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (*2021* рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220200, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (998-62)224-67-00; факс: (998-62)224-57-00; e-mail: am@urgdu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил « *18* » *декабрь* кунин тарқатилди.

(2021 йил « *18* » *декабрь* даги № *22* рақамли реестр баённомаси).



И.С. Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор.

Ш.Б. Рузметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., доцент.

Т. Досчанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор.

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда миллий иқтисодиётни модернизация қилишдан кўзланган энг муҳим мақсадлардан бири бу унинг рақобатбардошлигини ошириш ва минтақавий ривожланишнинг барқарорлигини таъминлаш омилларини аниқлашдан иборат. Экспертлар фикрига кўра, бугунги кунда жаҳонда қазиб олинаётган ва истеъмол қилинаётган ресурсларнинг фақат 23 фоизигина маҳсулот кўринишида ишлатилади, қолган қисмлари эса атроф-муҳитга чиқинди сифатида қайтарилиб минтақа экологик хусусиятларининг ўзгаришга олиб келади.¹

Жаҳонда глобал ўзгаришлар жараёнида минтақани барқарор ривожлантириш, уларни иқтисодий ҳамда экологик омилларини ўзаро таъсирини баҳолаш асосида рақобатбардошлигини ошириш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Минтақаларнинг мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишни кўзда тутадиган таркибий ўзгаришлар ҳудудий ишлаб чиқариш тизимларининг мезодаражадаги рақобатбардошлигини оширишда экологик-иқтисодий омилларни олдинги ўринларга кўяди ҳамда таъсирчан минтақавий экологик сиёсатни шакллантиришни тақозо этади.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда муҳим йўналиш сифатида минтақаларни комплекс ривожлантириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда экологик омилларга эътибор қаратиш, ялпи ички маҳсулотни таркибида уларни улушини кескин ошириш устувор йўналишлар қаторига киради. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги нутқида таъкидланганидек: “Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазият тобора кескин тус олмоқда. Шу борада биз Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциясини ҳаётга татбиқ этишга доир тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутунжаҳон экология хартиясини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятимизни жадаллаштириш керак”². Ушбу муаммолар Хоразм вилояти иқтисодиёти учун айниқса муҳим аҳамият касб этади, зеро, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси иқтисодиёт тармоқларида табиий экологик шарт-шароитларнинг такрор ишлаб чиқаришдаги барқарорлиги, экологик-иқтисодий жиҳатдан мувозанатлашганлик даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182 сонли “Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга доир устувор чора-

¹ Жаҳон банки маълумотлари .Электрон манба: [http:// databank.worldbank.org](http://databank.worldbank.org).

² Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги нутқи. www.president.uz

тадбирлар тўғриси”даги, 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702 сонли “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва бошқа минтақаларни ривожлантиришга бағишланган расмий ҳужжатлардаги белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Минтақаларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодиётини барқарор ривожлантириш масалалари хорижий ва мамлакатимиз олимларининг илмий ишларида кенг миқёсда ўрганилган. Хусусан, хорижлик олимлар А.Вебер, А.Леш, У.Изард, В.Кристаллер, Й.Тюнен, Ф.Перру, М.Портер, Я.Тинберген Т.Хечерстренд ва бошқалар минтақалараро ҳамкорликни айрим йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб борганлар. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан В.В. Кистанов, А.Гранберг, Л.А.Бандмен, О.В. Кузнецова, Н.Н. Колосовский, Р.И. Шнипер, К.В.Павлов, С.А.Суспицин В.Леонтъев ва бошқаларнинг тадқиқотларида минтақаларни рақобатбардошлигини оширишнинг назарий-услубий асослари, уни амалга ошириш механизмлари – худудий кластерлар, ишлаб чиқаришни жойлаштириш, шунингдек, экологик жиҳатларига эътибор қаратилган.

Ўзбекистонда минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш, эркин иқтисодий зоналар ва худудий кластерлар, иқтисодий районларни шакллантириш, ишлаб чиқаришни жойлаштириш, маҳаллий бошқарувни такомиллаштиришга бағишланган илмий ишлар М.Абдусалямов, К.Абдурахмонов, Н.Айимбетов, Т.Ахмедов, А.Маматкулов Ш.Назаров, А.Ниязов, Ф.Эгамбердиев, Б.Рузметов, О.Олимжонов, А.Юсупов, А.Содиқов, А.Қодиров, С.Зокиров, Х.Сайдахмедов, Ш.Эрматов, Ш.Отабоев³ ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Бироқ, шу

³ А.Вебер.Чистая теория размещения.Германия,1909; У.Изард. Методы регионального анализа: ведение в науку о регионах. М.прогресе, 1966,-659с.; У.Christaller/ Central Laces in Southern Germany, 1967,-264с.; М.Портер Конкурентная стратегия: методика анализа отраслей и конкурентов. М,2016,-114с.; Д.В.Кузнецова. Экономическое развитие регионов М.2016,-114с.; С.А.Суспицин. Методы и модели координации долгосрочных решений в системе национальной экономике регионов. Новосибирск, 2017,-296 с.; Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. – М., 2004,-495с.; М.Абдусалямов, О целях и методологических основах региональной экономики. Тошкент.2015, К.Абдурахманов и др. Региональная экономика и управление. Ташкент.2007,-750с., Н.Айимбетов. Мураккаб экологик вазият шароитида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш.Тошкент,автореферат,иқтисод фанлари доктори,Тошкент 2000.426.; Т.М.Ахмедов регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов.Узбекистан.Фан 1993,-80с.; А.Mamatqulov.The role of free economics zones in attracting foreign direct investment through the small business and private entrepreneurs in Uzbekistan.Тошкент 2018; Ш.Назаров Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов.Ташкент, 2014,-212с.; А.Низамов.Совершенствование системы управления региональной экономикой в условиях устойчивого экономического роста. Ташкент, автореферат д.э.н.,2018,-45с., Б.Рузметов. Региональная экономика; опыт, проблемы, эффективность комплексного развития. Ташкент,2002,-220с.; О.Олимжонов. Вопросы повышения конкурентоспособности сельских районов. Ташкент. Агроэкономика, 2017,№1, 7-12с.; А.Содиқов. Основы регионального развития: теория, методология и практика. Ташкент, 2005, -280с.; Ф.Эгамбердиев ва бошқалар. Минтақалар иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш. Тошкент. Университет, 2020,-204б.; А.Қодиров и другие. Региональная экономика. Тошкент, 2018,-239с.; С.Зокиров. Инструменты государственного регулирования комплексного развития регионов. Тошкент. 2015; Х.Саидрахмедов. Развитие регионов Узбекистана.Тошкент. ЦЭИ, 2019. К.В.Павлов. Межрегиональная экономика как перспективное направление. Региональная экономика,№7, 2018.

билан бир қаторда, экологик танглик шароитида минтақа иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш ва бунинг минтақада барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашга кўрсатадиган таъсири муаммоларини комплекс ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотлар олиб борилмаган.

Шундан келиб чиқиб, тадқиқотда қўйилган муаммонинг долзарблиги, шунингдек, унинг иқтисодий адабиётларда етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу диссертация ишининг предмети, мақсади ва асосий вазифаларини белгилаб берди.

Диссертация иши мавзуининг илмий-тадқиқот ишлар режаси билан боғлиқлиги. Тадқиқот Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлар режаси ҳамда А-2-135 “Тармоқлараро кластерлар ва уларни минтақа иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишга таъсири” (2016-2020 йй.) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Минтақа рақобатбардошлигини оширишда экологик-иқтисодий механизмларни такомиллаштиришга қаратилган илмий-услубий ёндашувлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари куйидагилардан иборат:

ички ва ташқи муҳитнинг ўзгарувчан шарт-шароитларида минтақа рақобатбардошлигини оширишнинг экологик-иқтисодий жиҳатига оид омиллар тўғрисидаги назарий қарашларни умумлаштириш ва аниқлаштириш;

миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақанинг ижтимоий иқтисодий ривожланишида ўзига хос хусусиятлар ва устувор йўналишларни аниқлаш;

Хоразм вилояти иқтисодиётининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги ўрни ва вазифаларини асослаб бериш;

Хоразм вилояти иқтисодиётининг бозор муҳитида барқарор ривожланишини таъминлайдиган табиий-экологик омилларни таҳлил этиш;

Минтақа иқтисодиётининг кластер салоҳиятини ҳудуд рақобатбардошлигини оширишнинг институционал асоси сифатида аниқлаштириш ва таҳлил қилиш;

Хоразм вилоятининг агросаноат мажмуидаги инновацион ва институционал ўзгаришларнинг динамикасини таҳлил этиш;

минтақанинг экологик-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланилган ҳолда вилоятнинг экологик-иқтисодий ривожланиш устувор йўналишлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини асослаб бериш.

Тадқиқот объекти. Хоразм вилояти иқтисодиёти тузилмаси ва экологик-иқтисодий таркибий ўзгаришлари танлаб олинган.

Тадқиқот предмети. Хоразм вилояти иқтисодиётининг экологик-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида қиёсий ва статистик таҳлил, SWOT-таҳлил, тизимли ва мантикий ёндошув, корреляцион ва регрессион таҳлил, иқтисодий моделлаштириш, ижтимоий сўров ва прогнозлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг экологик-иқтисодий уйғунлаштириш негизида ҳудуд рақобатбардошлигини оширишнинг индикатор параметрлари аниқланган;

минтақа рақобатбардошлигини ошириш институционал экологик-иқтисодий механизми сифатида туристик-рекреацион мажмуани кластер тизимини шакллантириш ва ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш динамикаси таҳлили асосида Кузнец экологик модели тузилган;

Орол бўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудудига айлантириш дастури доирасида “Смарт экологик марказ”нинг экологик электрон платформаси ишлаб чиқилиб, вертикал-интеграллашган тузилмаларни шакллантириш асосида кластер тизими ишлаб чиқилган;

Хоразм вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотини ривожланиш даражасини кўп омилли эконометрик моделлар асосида 2022–2025 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақа иқтисодиётининг рақобатбардошлиги категориясига нисбатан илмий ёндошувлар умумлаштирилган;

ҳудудлар ривожланишининг ресурс-ҳудудий, ишлаб чиқариш-технологик, иқтисодий-такрор ишлаб чиқариш, институционал ва экологик-иқтисодий жиҳатлари бир бутунликни ташкил қилишини ҳисобга олган ҳолда минтақа рақобатбардошлигини баҳолаш индикаторларини белгилаш бўйича услубий ёндошувлар ишлаб чиқилган;

минтақа иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг институционал механизми асосида туристик-рекреацион мажмуанинг кластер ривожланишининг истиқболли шакллари аниқланган;

экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда, Хоразм вилояти аграр соҳада кластерларни ташкил қилиш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

минтақа ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишида табиий-экологик омилларни ўзига хос жиҳатлари баҳоланиб, рақобатбардошликнинг ошишига таъсири аниқланган;

ишлаб чиқилган услубий ёндашувлар асосида минтақа рақобатбардошлигини баҳолаш индикаторлари аниқланган ва уларни экологик-иқтисодий жиҳатлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан олингани, ҳамда тегишли ҳулоса ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, минтақа рақобатбардошлигини ошириш шароитида экологик-иқтисодий тизимларнинг фаолият кўрсатишида амал қиладиган умумий қонуниятлари ва ўзига хос минтақавий

хусусиятларни очиб беришда методологик ёндошувларни кенгайтиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти экологик инқироз шароитида минтақа иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишга қаратилган методологик ишланмалар ва амалий тавсиялар давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан миллий иқтисодиётнинг турли секторлари ва мамлакат ҳудудларини, уларнинг табиий-ресурс салоҳиятидан оқилона ва мақбул фойдаланиш заруриятини ҳисобга олган ҳолда, ривожлантириш дастурлари ва истиқболларини асослашда муайян даражада хизмат кўрсатиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Минтақа рақобатбардошлигини ошириш экологик-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида минтақа рақобатбардошлиги категориясига экологик-иқтисодий омилларни таъсири асосидаги такомиллашган муаллифлик таклифини амалиётга жорий этиш натижасида БМТ Бош Ассамблеясининг 75 сессиясида тасдиқланган Орол бўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудудига айлантириш дастури доирасида вилоятда маҳалла фуқаролар йиғини қошида "SMART (ақлли) экологик марказлар" ва уларни электрон ахборот базасини яратиш ташкилий тизими яратилган. Шу асосда илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 27 август 02-28/1644-сонли маълумотномаси ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 23 августдаги 4-4060-сонли маълумотномаси). Натижада ҳудудда табиий экологик мувозанатни тиклаш, ақлли блокчейн технологияларини қўллаш ҳисобига минтақа рақобатбардошлигини ошириш, ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларини 3–5 фоизга кўпайтиришга эришилган;

минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мавжуд экологик-иқтисодий механизмлари чуқур таҳлил қилинган ҳолда таклиф этилган янги механизмларни амалиётга тўлақонли жорий этилиши натижасида ҳудуд рақобатбардошлигини ошириш экологик омиллари аниқланган ва баҳоланган. Шу асосда илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 27 август 02-28/1644-сонли маълумотномаси ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 23 августдаги 4-4060-сонли маълумотномаси). Натижада ички ва ташқи бозорда минтақа иқтисодиёти самарадорлигини ошириш имкониятлари асосланган;

Хоразм вилоятида минтақа рақобатбардошлигини ошириш институционал экологик-иқтисодий механизми сифатида туристик-рекреацион мажмуани кластер тизимини шакллантириш эканлиги асосланган. Шу асосда илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси

ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 27 август 02-28/1644-сонли маълумотномаси ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 23 августдаги 4-4060-сонли маълумотномаси Вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ўсиш динамикаси таҳлил қилиниб, Кузнец экологик модели тузилган ва шу асосда хизматлар соҳасини ЯХМ даги улуши 5-7 фоизга ошиши ҳамда туризм хизматлари экспорти юксалиши прогноз қилинган;

ишлаб чиқилган услубий ёндашувлар асосида минтақа рақобатбардошлигини баҳолаш индикаторлари аниқланган ва уларни экологик-иқтисодий жиҳатлари асосланган. Шу асосда илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 27 август 02-28/1644-сонли маълумотномаси ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 23 августдаги 4-4060-сонли маълумотномаси). Минтақада экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва самарали рўёбга чиқаришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш юзасидан таклифлар асосида 2,5 млрд сўмлик лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 15та, жумладан, 5 та халқаро ва 10 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 5 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

“Минтақа рақобатбардошлигини оширишда экологик-иқтисодий омилларни илмий назарий асослари” деб номланган биринчи бобда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақа рақобатбардошлигининг илмий назарий ва методологик асослари ҳамда унинг экологик-иқтисодий жиҳатлари тадқиқ этилган. Минтақа рақобатбардошлигининг экологик-иқтисодий моҳиятини маҳсулотларнинг нарх, сифат ва экологик кўрсаткичлари

орқали харидлар талаб, истак-хоҳишларни қондира олиши ҳамда маълум вақт мобайнида рақобатчилар маҳсулотидан ушбу кўрсаткичлари бўйича устунликка эришиш ташкил этади. Шунингдек, минтақа рақобатбардошлигини экологик-иқтисодий жиҳатларини мега-, макро-, мезо-, микро- даражадаги тизимли-тузилмавий таҳлили ва уни таъминлашда синергетик самарани асослаш орқали минтақа рақобатбардошлигининг такомиллаштирилган модели таклиф қилиниб, унинг методик асослари хорижий тажриба асосида тадқиқ этилган, баҳолаш мезонлари илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

Миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг самарали стратегияси иқтисодий экологик тизим рақобатбардошлигини таъминлашда янги методологик ёндошувлар ишлаб чиқилишига асосланади. Минтақа рақобатбардошлиги асосларини тадқиқ этган М.Портернинг фикрича “жаҳон иқтисодиёти ва рақобатбардошлигини барқарор устунликлари муайян мамлакат ёки минтақадаги ихтисослашган касбий малакалар ва билимлар, институтлар, рақиблар, ўзаро боғлиқ ҳолдаги иқтисодий фаолият турлари истеъмолчиларни ўзаро алоқаси натижасида юзага келади”⁴.

Минтақа табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий, моддий-техник, сиёсий жабҳалари бир-бирига яқин ҳамда ягона бошқарув ва логистика тизимига эга ҳудудлар мажмуасидир. Экологик-иқтисодий рақобат муносабатларининг турлича кўринишлари тўрт (микро, мезо, макро ва мега) даражада намоён бўлади (1-расм).

Микродаражада маҳсулотларнинг аниқ бир турларини ишлаб чиқариш корхоналари ўзаро рақобатлашадилар. Мезодаражада ҳудудлар, тармоқлар, интеграциялашувнинг горизонтал типига мансуб бўлган корхона ва фирмаларнинг тармоқ корпоратив бирлашмалари, кластерлар ўзаро рақобат курашига киришадилар. Макродаражада интеграцион алоқаларнинг тармоқлараро типига мансуб бўлган ишлаб чиқариш мажмуалари рақобатлашадилар ва мегадаражада рақобат мамлакатлар даражасига чиқади.




1-расм. Минтақа экологик-иқтисодий тизимида рақобатнинг ўзаро боғлиқлик алоқаларининг концептуал модели⁵

⁴Портер М. Конкуренция. – М.: Издательский дом “Вильямс”, 2000; Портер М. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / пер. с англ. Е. Калининой. – М.: Альпина Паблишер, 2008;

⁵ Манба: муаллиф ишланмаси.

Минтақа миқёсидаги экологик-иқтисодий рақобат ўзига хос жиҳатларга эгаллиги билан ажралиб туради, бунда турли даражадаги субъектларнинг горизонтал ва вертикал алоқалари яққол кўзга ташланади. Бу хил алоқалар баъзида шиддатли рақобат тусини олса, баъзи ҳолларда эса ҳамкорлик ва шерикчилик кўринишини олади ҳамда тармоқлараро ҳудудий кластерларнинг шаклланишига шароит яратади.

Минтақа рақобатбардошлиги экологик-иқтисодий рақобат устунликларининг мавжудлиги ва рақобатбардошлик омиллари учун М.Портерни ромби модели тузилди (2-расм).



2-расм. Минтақа экологик-иқтисодий рақобатбардошлиги устунликларининг ромби модели (М.Портернинг рақобат устунликлари ромби асосида тузилган)⁶

Минтақа экологик-иқтисодий рақобатбардошлиги М.Портернинг рақобат устунликлари ромбини ташкил этувчи тўртта ўзаро боғлиқ бўлган омиллар, детерминантлар орқали тадқиқ этилди. Биринчи детерминант экологик-иқтисодий тизимда экологик ҳолат ва шарт-шароитлар – малакали кадрлар, илмий билим ва технологиялар, экологик ахборотлар, бозор инфратузилмаси, инвестицион иқлим ҳисобига шаклланади. Иккинчи детерминант – экологик-

⁶ Манба: муаллиф ишланмаси.

иқтисодий (ички ва ташқи) талаб ташкил этади. Бозорда муваффақиятли рақобат курашига киришиш учун етарли бўлган инвестициялаш ва инновацияларни жорий қилиш борасида дастлабки рағбатни таъмин этувчи детерминант – экологик-иқтисодий талабнинг мавжудлиги ҳисобланади. Худуд рақобатбардошлигини белгилаб берувчи учинчи детерминант сифатида ядро ёки бир-бирини қўллаб-қувватловчи тармоқларнинг мавжудлиги майдонга чиқади. Рақобатбардошлик минтақадаги ишлаб чиқариш субъектлари кооперацияси, вертикал ва горизонтал интеграциялашган тармоқларга (кластерлар) тўғридан – тўғри боғлиқдир.

Минтақани экологик-иқтисодий ривожлантириш стратегияси тўртинчи детерминант ҳисобланади. Ташкил қилиш ва самарали бошқарув тизими ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг экологик-иқтисодий рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Аҳоли фаровонлигининг ошиши улар яшаб турган табиий муҳитнинг ёмонлашуви ва табиий тизимларнинг инқирозига олиб келмайдиган, экологик жиҳатдан йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясигина экологик-иқтисодий рақобатбардошлик ҳақида тизимли тасаввурларни шакллантиришда ҳамда минтақавий иқтисодиёт фани доирасида рақобатбардошликнинг мазмунини шарҳлашда асос вазифасини ўтайди.

Рақобатбардошликнинг экологик-иқтисодий жиҳати минтақа экологик-иқтисодий тизимининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича баҳоланадиган ўзига хос ҳолатини акс эттиради. Диссертацияда минтақанинг экологик-иқтисодий тизими ва рақобатбардошлиги ўртасидаги ўзаро алоқалар механизмини тузилмавий таркиби ишлаб чиқилган (3-расм).

Тадқиқот натижаларига кўра, минтақа рақобатбардошлигини баҳолашнинг энг муҳим методологик жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- минтақа рақобатбардошлиги унинг миллий иқтисодиётда ҳар бир кўрсаткичлар гуруҳи бўйича тутган ўрнини аниқлаш йўли билан баҳоланади;
- минтақаларни рақобатбардошлик даражасига кўра фарқлашда қўлланиладиган кўрсаткичлар минтақаларнинг катта-кичиклиги ҳамда уларда яшайдиган аҳоли сонига боғлиқ бўлмаслиги керак. Шунинг учун ҳам бу кўрсаткичлар нисбий катталиқда бўлиши шарт;
- кўрсаткичларни моҳиятан ижобий ва салбий ўзаро баҳолаш имконияти таъминланиши лозим.

Диссертацияда минтақа рақобатбардошлигини қиёсий баҳолаш кўрсаткичлари аниқланиб, улар мажмуига базавий омиллар, самарадорлик омиллари ва инновацион омилларни тавсифлайдиган кўрсаткичлар гуруҳи киритилган. Базавий омиллар таркибига ресурс, экологик ва инсон омили киради, самарадорлик омиллари ушбу салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади ва ниҳоят, инновацион омиллар “билимлар иқтисодиёти”нинг ривожланиш даражаси ва замонавий технологияларнинг жорий этилиш даражасини акс эттиради.



3-расм. Экологик-иқтисодий тизим ва унинг минтақа рақобатбардошлиги билан ўзаро алоқалар механизми⁷

Минтақа рақобатбардошлигини оширишдаги асосий омил бўлган рақобатбардошлик устунликлари қуйидаги йўналишларда аниқланди: демографик вазият ва меҳнат; маҳаллий табиий ресурслар ва атроф муҳит муҳофазаси; ташқи иқтисодий фаолият; инновацион-инвестицион фаолият; инфратузилмавий таъминот; институционал ўзгаришлар ва маҳаллий бюджет; минтақани ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ўзига хос томонлари ва SWOT-таҳлили; асосий “ўсиш” нуқталари ва тармоқлараро кластерларни шакллантириш марказлари таҳлили; минтақа рақобатбардошлик салоҳиятининг таҳлили.

⁷ Манба: муаллиф ишланмаси.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Хоразм вилояти иқтисодиёти рақобатбардошлигининг экологик омиллари ва ҳозирги ҳолатини баҳолаш**” деб номланиб, унда минтақадаги иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда табиий-экологик омилларнинг таъсири ўрганилган, минтақанинг ҳудудий меҳнат тақсимооти тизимидаги таркибий ўзгаришлар тадқиқ этилган. Диссертацияда хорижий ва миллий илмий манбалар таҳлили асосида жаҳондаги иқтисодий ва экологик жараёнлар интеграциясининг кучайиши барқарор ривожланиш категориясини кенгроқ тушунишга (БМТ Конференциясининг Декларацияси, 1992 йил, Рио-де-Жанейро), унинг ижтимоий-иқтисодий мазмун-моҳиятини янада кенгайтиришга замин яратгани кўрсатиб берилди. Бундай ёндошувнинг маъноси шуки, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш учун иқтисодий ўсишнинг жадаллашуви, камбағалликнинг тугатилиши ва атроф-муҳит муҳофазасига йўналтирилган стратегияларни мувофиқлаштириш талаб қилинади. Ана шу асосда мамлакатимиз барқарор ривожланишидан кўзланадиган асосий стратегик мақсад - мамлакат табиий-иқтисодий салоҳиятини сақлаган ҳолда илмий-техник тараққиёт, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг жадал ривожланиши асосида аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишдан иборат.

Янги Ўзбекистон Стратегиясини амалга оширишдаги иқтисодиётни модернизациялаш жараёнлари минтақалараро рақобатни кучайтиради. Бу эса экологик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари бўйича ҳудудлар дифференциациясини камайтириш мақсадида минтақа иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва институционал ислохотларни чуқурлаштиришни талаб этади.

Фикримизча, экологик муаммоли ҳудудларда табиатдан фойдаланишнинг экстенсив усуллари ва анъанавий қарор топган технологияларнинг сақланиб келаётгани экологик вазиятни мураккаблаштирувчи омил бўлиши билан бирга, минтақа рақобатбардошлигини ошишига ҳам тўсқинлик қилади. Бу эса минтақа иқтисодиёти рақобатбардошлигига ҳудудий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш имконияти сифатида қарашга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларига кўра, сўнгги йилларда Хоразм вилояти иқтисодиётида муайян таркибий ўзгаришлар рўй берган. Минтақанинг ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯХМ) мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 5,5 фоизини (мамлакатда 11-ўрин), аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса ўртача мамлакат даражасининг 67,8 фоизини ташкил қилади. Вилоятнинг ЯХМда саноат улуши 2020 йилга келиб 12,2 фоизга етган. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса мос равишда 44,9 фоиздан 47,0 фоизгача кўпайган. Хизматлар соҳасининг улуши эса 40,7 фоиздан 40,8 фоизга етган.(1-жадвал).

Ўзбекистон минтақалари ЯХМ тармоқ таркибининг 2000 - 2020 йилларда ўзгариш динамикаси (фоизда)⁸

Худудлар	Саноат		Қишлоқ хўжалиги		Хизмат кўрсатиш	
	2000 й.	2020 й.	2000 й.	2020 й.	2000 й.	2020 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	22,2	26,0	21,3	28,3	56,5	45,7
Вилоятлар:						
Андижон	18,1	22,6	44,6	41,3	37,3	36,1
Бухоро	19,5	17,5	34,1	44,8	46,4	37,7
Жиззах	10,9	11,1	48,9	54,9	40,2	34,0
Қашқадарё	30,8	18,0	33,3	42,0	35,9	40,1
Навоий	43,1	69,9	25,8	14,1	31,1	16,1
Наманган	17,5	13,8	42,5	42,6	39,9	43,5
Самарқанд	14,4	14,4	45,5	45,9	40,1	39,7
Сурхондарё	11,0	7,6	53,3	48,9	35,8	43,5
Сирдарё	20,1	24,4	43,7	41,0	36,3	34,6
Тошкент	25,4	46,2	39,9	23,7	34,7	30,1
Фарғона	20,4	21,9	25,8	34,4	53,8	43,7
Хоразм	14,5	12,2	44,9	47,0	40,7	40,8
Тошкент ш.	28,9	34,0	0,0	0,0	71,0	66,0

Хоразм вилояти Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик вазият мураккаб ҳудудда жойлашганлиги туфайли ҳозир минтақада атроф-муҳитда юзага келган антропоген ўзгаришлар қузатилмоқда. Минтақанинг маданий-тарихий, рекреацион ва аграр-индустриал салоҳиятини ҳисобга олсак, унинг экологик-иқтисодий жиҳатдан муаммоли ҳудудлардан бирига айланганлигини кўриш мумкин. Вилоят экологик инқироз зонасида жойлашганлиги туфайли, сув билан таъминланганлик омили қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Сувнинг ифлосланиши ва шўрланиши натижасида вилоятда кучли шўрланган ерлар 32,8 минг гектарни ташкил қилади. Интенсив оқизиб суғориш жараёнида фойдаланишдаги ерларнинг емирилиш ва унумдорлигининг ёмонлашиши жараёни борган сари тезлашиб бормоқда. Ўзбекистон бўйича суғориладиган ерларнинг 49,0 фоизи шўрланган бўлиб, уларнинг 18,0 фоизи юқори даражада шўрланган бўлса, Хоразм вилоятида бу кўрсаткичлар, тегишлича 75,4 ва 30,9 фоизни ташкил этади. Ерларнинг турли даражада шўрланганига қараб, пахта ҳосилдорлиги кучсиз шўрланган ерларда 20-30 фоизга, ўртача шўрланган ерларда 40–60 фоизга ва кучли шўрланган ерларда 80 фоиздан кўпроққа қисқариб кетиши мумкин.

Бу эса пировард натижада қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Бунга маълум даражада шўр ювишда фойдаланилган сувларнинг ирригация тармоғи сувларига қўшилиши ҳоллари ҳам сабаб бўлмоқда. Бу омил экологик хусусиятга эга бўлиб, унинг аҳамияти қуйидаги сабабларга боғлиқ:

⁸ Манба: www.stat.uz.

- ўз сув ресурсларининг чекланганлиги;
- сувнинг истеъмол даражаси унинг етиб келиш шароитларига боғлиқлиги;
- қишлоқ хўжалигида сувдан самарасиз фойдаланиш;
- сув ресурслари билан таъминланганлик ва сувни истеъмол қилиш даражасида ҳудудий фарқларнинг мавжудлиги;
- аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш зарурати.

Саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг кейинги йилларда сезиларли ортганлигига қарамасдан, Хоразм вилояти мамлакат саноатининг ҳудудий таркибида охириги ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Бу борада кейинги йилларда эришилган ижобий ўзгаришлар асосан машинасозлик, енгил ва озиқ овқат саноатини ривожлантиришга қаратилган инвестицион лойиҳалар ҳисобига амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан саноат маҳсулотларининг аҳоли жон бошига нисбатан тўғри келиши мамлакат даражасидан деярли 3,3 баробар паст (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишида Хоразм вилоятининг ўрни, фоизда ⁹

Кўрсаткичлар	2000 й.	2010 й.	2019 й.	Мамлакатда тугган ўрни
Аҳоли	5,4	5,6	5,5	11
Ялпи ҳудудий маҳсулот	4,4	3,1	3,1	11
Саноат маҳсулотлари	2,6	1,4	1,7	12
Истеъмол товарлари	4,3	2,4	2,4	9
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	6,6	6,2	6,0	10
Асосий капиталга инвестициялар	3,5	2,5	3,9	11
Чет эл инвестициялари	0,9	0,1	1,1	13
Қурилиш ишлари	6,6	3,3	4,8	13
Чакана савдо айланмаси	3,6	4,3	4,2	10
Пуллик хизматлар	3,8	3,9	4,0	10
Бозор хизматлари	2,1	2,7	3,2	11
Ташқи савдо айланмаси ш.ж.	1,3	0,8	0,8	13
Экспорт	2,0	1,1	1,0	12
Импорт	0,5	0,4	0,7	14

Фикримизча, аграр секторда инновацион фаолиятни жадаллаштириш минтақа рақобатбардошлигини оширишнинг экологик-иқтисодий омилларини фаоллаштиради, янги ташкил қилинаётган пахта–тўқимачилик кластерларини инновацион технологиялар билан таъминлаш масалаларини самарали ҳал қилиш имконини беради.

“Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақа иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йўналишлари” номли учинчи бобда минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишлари, рақобатбардошликнинг минтақадаги экологик-иқтисодий вазиятни яхшиланиши билан боғлиқлиги, шу асосда Хоразм вилояти ЯХМнинг 2022–2025 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

⁹ Манба: www.stat.uz.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг учинчи минг йиллик истиқболларига бағишлаб, 2000 йилда ўтказилган саммитида жаҳон халқларининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик шароитини яхшилашга интилиш йўлида “Минг йилликнинг ривожланиш мақсадлари” қабул қилинган эди. Ушбу мақсадлардан бири барқарор ривожланиш тамойилларини мамлакатларни ривожлантириш сиёсати ва дастури билан ўзаро боғлаган ҳолда атроф муҳит ресурслари исрофгарчилигини олдини олиш йўли билан экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган.¹⁰

Хоразм вилояти иқтисодиётининг барқарор ривожланиши минтақа учун устувор бўлган аграр ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги, рекреацион, нодир тарихий-маданий ва табиий-ресурс салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати ва самарадорлиги билан белгиланади.

Минтақа ривожланишининг барқарорлигини таъминлашда табиатдан фойдаланиш салбий оқибатларини олдини олган ҳолда, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясига мослаштириш талаб этилади.¹¹

Стратегия мақсадли комплекс дастурлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг истиқболли ва жорий режалари, алоҳида тармоқлар, туманлар, шаҳарлар ривожининг ҳамда турли даражадаги маҳаллий бошқарув органлари фаолиятининг стратегик дастурлари, қонунчилик ташаббуслари каби ҳужжатларнинг яхлит тизимини яратиш учун восита вазифасини ўтайди.

Диссертацияда экологик омилни ҳисобга олган ҳолда Хоразм вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш қай даражада мақсадга мувофиқ эканлигини баҳолаш учун ҳўжалик юритувчи субъектлар, маҳаллий бошқарув органлари ва турли ижтимоий, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ташкилотлар раҳбарлари ўртасида анкета сўровлари ўтказилди.

Сўров натижаларига асосан, маҳаллий бошқарув органлари раҳбарларининг 72,8 фоизи ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг 69,2 фоизи бундай стратегияни ишлаб чиқиш зарурлигини қўллаб-қувватладилар, мос равишда раҳбарларнинг 10,2 фоизи ва 11,1 фоизи рад жавобини бердилар. Бунда маҳаллий бошқарув органлари раҳбарларининг 17,0 фоизидан кўпроғи ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг 19,2 фоизи минтақанинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини шакллантириш учун минтақа стратегиясини ишлаб чиқиш етарли эмас деб ҳисобладилар.

Диссертацияда экологик-иқтисодий омиллар асосида Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг SWOT-таҳлили амалга оширилди ва минтақанинг ички имкониятлари (унинг кучли ва заиф томонлари) билан ташқи таҳдидлар ва имкониятларда ўз ифодасини топган ташқи муҳитнинг стратегик мувофиқлиги тамойилига асосланди (3-жадвал).

¹⁰ Абдуллаев М. Минг йиллик ривожланиш мақсадлари ва атроф муҳит. Т.: // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. -№4.- б. 40-42.

¹¹ Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси . Тошкент, IFMR , 2015.

Экологик иқтисодий омиллар асосида Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг SWOT таҳлили¹²

I. S – кучли томонлари:	II. W- заиф томонлари:
<ul style="list-style-type: none"> – халқаро туризм учун тарихий-маданий мерос объектларнинг мавжудлиги; – меҳнат ресурсларининг сони; – ишчи кучининг юқори савияси; – чуқур қайта ишлаш учун етарли ҳажмда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқиш; – ирригация тизимининг ва аграр технологияларнинг ривожланганлиги; 	<ul style="list-style-type: none"> – мурраккаб экологик вазият; – тупроқ ва сув хавзаларининг шўрланиш даражаси; – юқори бўлмаган инновацион ва инвестицион фаолият; – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етарлича чуқур қайта ишламаслик; – COVID 19 пандемиясининг туризм соҳасига салбий таъсири.
III. O - имкониятлар:	IV. T - таҳдидлар:
<ul style="list-style-type: none"> – халқаро туризмни ривожлантириш кластерларини шакллантириш; – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш технологияларини жорий қилиш; – «Шимол-жануб» ва «Янги ипак йули» глобал транспорт тизимларига уланиш; – халқ хунармандчилигини ривожлантириш; – халқаро экологик ташкилотлар эътиборига сазовор бўлиш. 	<ul style="list-style-type: none"> – қишлоқ хўжалигининг давлатлараро сув тақсимотига боғлиқлиги; – шўрланиш сабабли суғориладиган ерларнинг ҳосилдоригини пасайиши; – сифатсиз ичимлик суви истеъмолчи билан боғлиқ касалликларнинг аҳоли орасида кўпайиши; – “яширин” ишсизлик; – асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши сабабли технологик жиҳатдан ортда қолиш;

Таҳлил натижаларига кўра, экологик иқтисодий омиллар асосида минтақа рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йўналишларини аниқлаш, комплекс ижтимоий–иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш имкониятлари асослаб берилди.


